

ГУЛФИЗА МУРОДУЛЛО ҚИЗИ

БИР ҲИКОЯ ТАҲЛИЛИ
(НАЗАР ЭШОНҚУЛНИНГ “ШАМОЛНИ ТУТИБ
БЎЛМАЙДИ” ҲИКОЯСИ МИСОЛИДА)
(Электрон ўқув-услубий кўрсатма)

Термиз – 2015

КИРИШ

Адабиёт сўз санъатидир. Халқимиз азал-азалдан адабиётга инсоннинг маънавий оламини кашф этувчи, унинг руҳиятига таъсир этувчи бир куч сифатида баҳо берганлар. **Шу сабабдан адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.**¹

Адабиёт ҳақида жаид адабиётининг машҳур вакилларида бири Абдулҳамид Чўлпон ўзининг 1914 йилда – 16 ёшида ёзган “Адабиёт надир” мақоласида шундай дейди: **“Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир”**. Ҳақиқатдан ҳам адабиёт инсонни тарбияловчи, унинг маънавий дунёсини бойитувчи, кўнглини эзгулик нури билан озиклантирувчи ва шу билан бирга комиллик сари етакловчи буюк кучдир. Шу сабабдан муҳтарам Юртбошимиз ҳам ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида **“Адабиёт бу маънавиятдир”**², - дея таъкидлаганлар.

Мустақиллик даврига келиб барча йўналишларда бўлгани каби миллий адабиётимизда ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бу вақтга келиб шўролар даврида коммунистик мафкура руҳида асар ёзишга маҳкум бўлган адибларга ижод эркинлиги берилди. Бир сўз билан айтганда адабиёт ижодкорнинг кўнгил ишига айлантирилди. Ўзбек шеъриятида бўлгани каби насрда ҳам янгиланишлар кузатилди. Бу янгиликларни Назар Эшонқул, Исажон Султон, Улуғбек Абдулваҳоб, Хуршид Дўстмуҳаммад каби қатор адиблар ижодида кузатишимиз мумкин. Х. Дўстмуҳаммаднинг “Жажман”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, Н. Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам”, “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояларидан биз миллий адабиётимизга,

¹ И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” 2008, 136 бет.

² И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” 2008, 136 бет.

бугунги насримизга ўзгача оҳанг, янгича қарашлар кириб келганлигини англашимиз мумкин. Бу ижодкорлар ўз асарлари билан ўзбек насрини янги чўққига олиб чиқишга муваффақ бўлишди.

НАЗАР ЭШОНҚУЛНИНГ ҲАЁТИ ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Биз бугун таҳлиliga тутинмоқчи бўлганимиз Назар Эшонқулнинг “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясидир. Шу ўринда таҳлил ҳақида сўз юритишдан олдин ёзувчининг ҳаёти ва унинг ижодий фаолияти хусусида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Назар Эшонқул 1962 йил 15 июнда Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги Терсота қишлоғида туғилган. 1986 йилда ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг адабиётдаги дастлабки қадами 1988 йилда ёзилган “Уруш одамлари” номли асари бўлди. Шундан сўнг ёзувчи кейинги йилларда “Момо қўшиқ”, “Маймун етаклаган одам”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Тун панжаралари”, “Ялпиз ҳиди”, “Муолажа”, “Тобут”, “Хаёл тузоғи”, “Бевақт чалинган бонг” сингари кўплаб асарлар муаллифига айланди³. Назар Эшонқул 1996 йилда яратган “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг махсус мукофоти билан тақдирланди.

Бугунги кунда ёзувчи таржима соҳасида ҳам баракали ижод қилмоқда. Биз ҳозирда Ф.К.Аниттининг “Ҳикоялар ва қиссалар”ини, А. Камюнинг “Эсселар”ини, Чеховнинг “Болаҳонали уй” ҳикояларини ёзувчи таржимаси асосида ўзбек тилида ўқишимиз мумкин.

³ Каримов Б, Абдиев Ҳ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 624 бет.

ЁЗУВЧИ ИЖОДИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Бадиий адабиётда ҳар бир тур (жанр)нинг ўз ўрни, ва мураккабликлари мавжуд. Ҳар бир адабий жанрни яратиш ўзига хос йўналишга ва машаққатга эга. **Шу маънода ҳақиқий ҳикоя яратиш унча-мунча адибнинг қўлидан келавермайдиган санъаткорликни талаб қилади. Катта-катта романлари билан оламшумул ютуқларга эришган ёзувчи ҳикояда доим ҳам муваффақиятга эришавермаслиги мумкин. Чунки ҳикоянинг ўзи бир мустақил дунё.**⁴

Шу ўринда даставвал ўзбек адабиётида ҳикоячилик тарихига назар ташлаш ўринлидир. Ўзбек адабиётида ҳикоячиликнинг дастлабки намуналари Абдулла Қодирий, Чўлпон асарларида учрайди. Аммо ҳикоячиликни юксак чўққига олиб чиққан ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ҳисобланади. 90 йилларгача ҳикоячилик жанри анъанавий тарзда бўлган. Аммо шу даврга келиб насримизда, жумладан, ҳикоячилигимизда туб бурилиш ясалди, янгича қарашлар, янгича оҳанглар пайдо бўла бошлади. Бу айниқса Назар Эшонкул ижодида сезиларли даражада кўзга ташланди. **“Шамолни тутиб бўлмайди”, “Бевақт чалинган бонг” ҳикоялари 90 йиллар ҳикоячилигининг энг сара намуналаридан ҳисобланади. Бу ҳикояларда анъанавий тасвир услуби Ғарбдаги янги оқимлар билан уйғунлашган, уларда жаҳон насрининг илғор таъсири сезилади.**⁵

Ёзувчи ижодидаги янгича қарашлар, янгича оҳанглар ҳақида машҳур танқидчи, адабиётшунос У. Норматов шундай ёзади: **“Ёзувчи насримизни шундай оҳанг билан бойитдики, бу оҳанг ўзбек миллатига хос бўлган томонларни акс эттириш жиҳатидан тенгсиздир. Айниқса унинг “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикояси тасвирга олинган қаҳрамонининг янгилиги ва оҳангнинг ўзгачалиги билан ажралиб**

⁴ Назаров Б. Жозибали таҳлил. Миллий характер ва бадиий талқин. Сўзбоши. 3 бет.

⁵ Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий талқин. Тошкент: 2007. 93-б.

туради. Бу ҳикоя қаҳрамони ташийдиган маънонинг кўламдорлиги, бадий рухий таҳлилнинг теранлиги жиҳатидан у “Асрга татиғулик кун” романидаги Найман онага, “Чол ва денгиз” даги қария образларига тенглаштирилган”⁶

Биз асарни ўқий бошлаганимизданоқ унинг сарлавҳаси диққатимизни тортади. “Шамолни тутиб бўлмайди” бу ерда шамол ниманинг рамзи, деган савол туғилиши табиий ҳол. Бу ўринда шамол вақтнинг, вақт эса умрнинг рамзи. Шамолни тўхтатиб бўлмаганидек вақтни, ўтган умрни ортга қайтаришнинг ҳам имкони йўқ. Шунингдек, шамол қасос рамзи. Байна момонинг юрагидаги қасос ўти ўчмайди, у тобора аланга олаверади. Фақатгина Замон отбоқарнинг азасига бораётган қишлоқдошларини кузатиб туриб, гўёки ўзининг улкан вазифасини адо этгандек хотиржамликка эришади. Ҳикоядан хулоса чиқариш мумкинки, шамолни ҳам, вақтни ҳам тўхтатиб ёки ортга қайтариб бўлмайди. Байна момо эса бир умр қасос ўтида яшади. У эрига, ўғлига садоқат билан яшади. Унинг қалбидаги нафрат унга бир умр ҳамроҳ бўлди ва умрининг сўнгги йилларида шу нафрат туфайли Замон отбоқарни ўлдиришга ўзида куч топди. Бу билан момо нафақат эри ва ўғлининг қасосини, балки бутун терсоталикларнинг аламини олган эди. Бу воқеа эса Байна момони асар қаҳрамони даражасига олиб чиқди.

Назар Эшонқулнинг бу ҳикояси ассоциатив сюжетда ёзилган бўлиб, экспозиция, тугун (конфликтнинг пайдо бўлиши), воқеалар ривож, кульминация ва ечимдан иборат.

Ҳикояни ўқиш давомида Раим полвоннинг кулоқ дея таъқиб қилинишидан молларини давлатга топширмаганлиги учун отиб ташланишидан асар воқеалари собиқ шўролар даврида бўлганлигини англаш мумкин.

⁶ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Маънавият, Тошкент - 2000

Асар экспозиция (тушунтириш), яъни дастлабки ҳолатда асарнинг юз берувчи ўрни, асар қаҳрамонлари ҳақида илк маълумот бериш билан бошланган. “Юз йиллардан бери терсоталикларнинг гурури ва фахри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳкум этилган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди: темир тирноқли булдозерлар уйнинг деворларини қулатар эканлар, уй билан қўшиб, ўзларининг ҳам нималаринидир бузиб, вайрон қилишаётгандек, терсоталиклар бир чеккада жимгина кузатиб туришар ва нақ эллик йилча тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти ўзларига ҳамон тушуниксиз ва мавҳум туюладиган Байна момони эслаган аёллар кўзларига ёш олиб, болаларини бағирларига босганча, олис ва ғамгин хотираларга берилиб, мунғайган алфозда ўтирардилар”⁷. Бу парча асарнинг экспозиция қисми ҳисобланади. Унда ёзувчи китобхонни асар қаҳрамони ҳамда воқеалар ривожини бўлиб ўтадиган жой билан таништира бошлайди. Асарда Байна момонинг эллик йиллик умри давомидаги мотамсаро, азобли, аламли ва изтиробли, шунингдек, матонатли ҳаёти қаламга олинган.

Байна момо қишлоқдошларидан нафратланар, уларни кечиролмас эди. Бунинг сабаби бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, балки бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Раим полвонни қулоқ дея таъқиб қилишларига йўл қўйгани ва ўғли билан эрини замоннинг эгаси, аммо бир пайтлар Раим полвоннинг малайи бўлган Замон отбоқарнинг ихтиёрига бериб қўйганлигида эди. Раим полвоннинг Замон отбоқар томонидан

⁷ Назар Эшонқул. Ялпиз ҳиди. Шарқ НМАК. Тошкент – 2008. 251 - б.

ўлдирилиши асарнинг тугуни, конфликтнинг бошланиш даври ҳисобланади. Шу тугундан сўнг Байна момонинг нафратга, аламга тўла ҳаёти бошланади.

Одатда вақт ҳар бир нарсани даволайди, дейишади. Лекин Байна момонинг қалбидаги нафрат вақт ўтгани сайин алангаланиб бораверади. Бунинг сабаби Байна момонинг бир вақтнинг ўзида ҳам эридан, ҳам ўғлидан айрилишидир. Чунки ўғли уларнинг ёлғиз давомчиси эди. Турмуш ўртоғи билан бир вақтда умрининг ягона шамчироғидан жудо бўлгандан кейин у бу дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтишга маҳкум бўлган эди. Балки унинг бошқа фарзандлари бўлганида бунчалар аламзада бўлмас, ёлғизлик уйига бу қадар чуқурроқ кириб бормаган бўлар эди. Унинг қалбидаги нафрат олови кучайиб, бора-бора уни қишлоқларидан бутунлай айириб қўйди. **“Энди у ёлғиз ва кимсасиз қолди. Уни ойлаб биров йўқламас, фақат эрталаб эчкиларини юлғунзорга ҳайдаб бораётганидан, кечкурунлари қишлоқни тутган қайнаётган сут хидидан ҳали унинг тирик эканини билишарди”⁸**. У шунчалар мағрур ва мардона бўлганлиги учун бировга дардини айтишни, ҳасрат қилишни ёмон кўради, унга раҳм – шафқат кўзи билан қараганларни ёқтирмайди. Унинг ёлғиз дарддоши ёстик бўлиб, кўз ёшларини тун бўйи селдай оқизиб, эрталаб хўл бўлган ёстикларни офтобда қуритарди. Ҳаттоки, қаҳратон қиш кунларида ўтини тугаб совуқда қолган вақтларда ҳам қариндоши Ражаб чавандоз ғамлаб берган ўтинларни ишлатмаслиги унинг нафрати қанчалар кучли эканлигини билдириб қўяди. Ёзувчи бу ҳолатни, “ўтини етмаган кунлари у кўрпага оёғини тикқанича хотирасига исиниб жон сақларди”, -деган биргина жумла билан ўта аниқ ва лўнда қилиб ифодалаб беради.

Бундан ташқари қишлоққа халқ лапарларини йиғиш учун келган талаба қизлардан бирининг, - “Агар ўғлингиз бўлганида мен сизга жон-жон

⁸ Назар Эшонқул. Ялпиз хиди. Шарқ НМАК. Тошкент – 2008. 255 - б.

деб келин бўлардим”,- дейиши унинг шусиз ҳам аламдан ўртанаётган калбини баттар азоблайди. Ёзувчи момонинг шу пайтдаги ҳолатини таъсирчан ва яққол тарзда акс эттиради: **“Байна момо унга ўқрайиб қаради ва кўзларида бирдан алам ёнди: қизлар қўрқиб кетишди: кўз олдиларида Байна момонинг бутун танаси бирдан тутаб жўнагандай туюлди. Қизлар дуд ҳидини аниқ сезишди”**⁹. Байна момонинг кўнглидаги аламли оловни ҳатто Замон отбоқарнинг ўлими ҳам ўчиролмайди. Ҳикоядаги мудхиш воқеа бўлган Замон отбоқарнинг Байна момо томонидан чавақланиб, бармоқларининг кесиби олиниши асарнинг кулминацион нуқтаси ҳисобланади. Лекин бу воқеа асарда очиқ-ойдин акс эттирилмайди, балки бошқа деталлар орқали тасвирланади. Биз ҳикояни охиригача ўқимасдан туриб, буни билолмаймиз. Фақатгина Байна момонинг азасида унинг сандиғи ичидан матога пала-партиш ўралган ўнта одам бармоғи топилгандагина бор ҳақиқатни англашимиз мумкин. Ҳикоя сўнггида момонинг ўлими асар воқеаларининг ечими ҳисобланади.

ҲИКОЯДАГИ ҚАСОСКОР АЁЛ ТАСВИРИ

Ҳикояда бош қаҳрамон сифатида тасвирланган Байна момо юқорида таъкидлаганимиздек, нафрат, аламзадалик ва ёлғизлик алангасида ёнаётган аёл. Чунки Замон отбоқарнинг золимлиги, қишлоқдошларининг қўрқоқлиги ва бепарволиги уни бир вақтнинг ўзида ҳам турмуш ўртоғидан, ҳам умрининг ёлғиз давомчиси бўлган ўғлидан айирди. Шу сабабли, Байна момо қишлоқдошларидан ажралиб қолган, улардан нафратланарди. Момо учун уларнинг бор-йўқлиги аҳамиятсиз, унинг наздида гўё вақт шу жойда тўхтаб қолгандек эди.

Шу ўринда китобхонда “Нима учун бу қишлоқ аҳли Байна момонинг бу қадар қаттиқ нафратига мубтало бўлди”, - деган савол

⁹ Эшонқул Н. Ўша асар. 258 -бет

туғилиши мумкин. Бунга ёзувчининг таъбири билан айтганда, бир пайтлар фақат қишлоқнинг эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Райим полвонни кулоқ дея таъқиб қилишига ҳамда унга қўшиб ўғлини ҳам отиб ташлашига йўл қўйгани, бу мудҳиш жиноятга қишлоқдошларининг бефарқ қараганлиги сабаб бўлган эди. Шу туфайли момо қишлоқдаги барча эркаклардан нафратланадиган, уларни баъзида ошкора мазах қиладиган бўлиб қолади.

Аммо ҳикояда биз Байна момонинг қанчалар матонатли, сабрли ва мард эканлигини кўрамиз. У бировга хасрат қилиб, ўзининг ожизлигини билдиришни, дардини дастурхон қилишни хоҳламайди. Ҳатто ўзидан аҳвол сўраганларни ҳам ёқтирмаслиги унинг нақадар мардона эканлигини кўрсатибгина қолмасдан, ундаги нафратнинг қанчалар кучлилигидан далолат беради. Одатда вақт ўтиши билан ҳамма нарса унутилиб, унинг атрофга таъсири камайиб боради. Аммо Байна момода бунинг акси бўлади. Йиллар ўтгани сайин унинг юрагидаги нафрат алангаси сусайиш ўрнига худди ёғ сепилган оловдек кучаяди. Қотиллик бўлган кунда қалбида туғилган бу туйғу унга йиллар давомида қадрдон бўлиб, момони тарк этмади. Аниқроғи, момо бу нафратни кўнглидан кеткизмади. Фақат дафн этилаётганда унинг кўнглидаги бу аланга у билан бирга тупроққа кўмилди.

Асарни ўқиш жараёнида Байна момонинг нафрати қай даражада асосли, деган савол туғилиши мумкин. Агар биз эътибор бериб ўқисак, Райим полвоннинг кулоқ дея таъқиб қилинишидан, молларини давлатга топширмаганлиги учун жазоланишидан асар воқеалари собиқ шўро даврида бўлганлигини билишимиз мумкин. Тарихдан бизга маълумки, бу даврда қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ишлари авжига чиққан эди. Ўз молини давлатга топширишга қарши чиққанлар худди асаримиз қаҳрамонидек таъқиб қилинган. Агар Райим полвон ҳам бошқаларга ўхшаб жимгина молларини топширганида аҳвол бу даражага етмас эди. Аммо Райим полвон бундай қилишни эп

кўрмади. Унинг полвонлик шаъни бунга йўл бермайди. Қишлоқ аҳли эса кўрқоқлик қилиб уни ҳимоя қилолмади. Натижада юқоридаги мудҳиш воқеа содир бўлди. Шундан сўнг Байна момо ҳаётининг бутун кувончларидан маҳрум бўлди. У қишлоқдошларидан нафратланиш билан бирга, одамларнинг ожиз, кўрқоқ, тузумга муте бўлиб қолганлигидан, юрт бошига келган қора қарғалар турли адолатсизликлар қилиб, халқнинг мол-мулкини талон-тарож қилса ҳам оломоннинг ожизларча сукут сақлашидан, уларга қарши бирлашиб курашишга журъат этолмаслигидан чуқур изтиробга тушади. Ярим асрлик умри давомида ёлғиз аёл қалби билан кўрқоқ ва қарам қишлоқ аҳлига қарши курашиб яшайди. У бутун умри давомида ўз хонадонининг, турмуш ўртоғи ва фарзандининг шаънини, ғурурини баланд тутиб, инсоний туйғуларни сақлаган ҳолда яшаб ўтади.

Байна момонинг қасос олиши, Замон отбоқарни чавақлаб ташлаши эса ақлга сиғмайдиган бир ҳолатдир. Чунки кексайиб, кушдеккина бўлиб қолган қари момонинг ёши қирқдан ошган кучли Замон отбоқарни ўлдиришига ишониб бўлмайди. Аммо бу аини ҳақиқат. Байна момонинг ўлиmidан сўнг унинг сандиғидан топилган одам бармоқлари бунинг яққол далилидир. Байна момонинг бутун танасини куйдирган нафрат алангаси шу қадар зўр эди-ки, ана шу оташ момога отбоқарни ўлдириш учун куч берди. Байна момо томонидан қасос олиниши, Замон отбоқарнинг хорликда ўлиши унинг бир вақтлар момога “Энди хор-у зорликда ўлиб кетасан”, деб айтгани, шунингдек, отасининг қасосини олиши мумкин бўлган ўғлини ҳам ўлдирдим, деб суюнганида қанчалар адашганлигини англашимиз мумкин.

АСАРДА ПОРТРЕТ ВА ПЕЙЗАЖНИНГ ЎРНИ

Бадиий асарларда композиция воситаларидан бири бўлган пейзаждан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. **Айни замонда пейзаж асарнинг ғоявий мазмуни ва қаҳрамонларнинг характери, руҳиятини очишда қўшимча бадиий восита бўлиб хизмат қилади. Ёзувчи пейзаж орқали ё бевосита ўз фикрларини баён қилади ёки персонажларнинг ички кечинмаларини кўрсатади.**¹⁰

Шу сабабдан Назар Эшонкул ҳам ўз асарида пейзаждан анчайин саҳийлик билан фойдалангани ҳолда, ҳикоянинг дастлабки қисмини ҳам шу восита билан бошлаган. **“Юз йиллардан бери терсоталикларнинг ғурури ва фаҳри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳкум этилган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди:”**¹¹. Бу тасвир китобхонларда асарга нисбатан қизиқиш уйғотади, воқеалар ривожини билишга қизиқиши учун замин ҳозирлайди ва ўз ўрнида бу қисм экспозиция вазифасини ҳам бажаради.

Ёзувчининг асарни юқоридаги парча билан бошлашдан мақсади шунчаки табиат тасвирини бериш эмас, балки шу орқали асар қаҳрамонларининг ҳаёти ҳақида ҳам маълумот беришдир. Кўримсиз ва қаровсиз қолган уй тасвири орқали асар қаҳрамонининг аламли, мудҳиш, синоатларга тўла ҳаёти, шунингдек, изтироблардан қадди букилган, дунёдан изсиз ва ёлғиз ўтиш азобини кўтариб яшаган, ғамли йиллар оташида қовурилиб ғариб аҳволга тушган Байна момонинг сиймоси акс эттирилган.

¹⁰ Т. Бобоев. Адабиётшунослик асослари. “Ўзбекистон” нашриёти, Т – 2001. Бет-149

¹¹ Эшонкул Н. Ўша асар. 251 -бет

Асарда қаҳрамонлар ҳаракат қилаётган жой тасвири ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки айнан шу тасвир орқали биз қаҳрамонларнинг руҳияти, уларнинг моддий аҳволи ҳамда мавқеи ҳақида ҳам маълумот олишимиз мумкин. Шу ўринда биз Раим полвоннинг моддий жиҳатдан қай даражада таъминланганлигини билишимиз учун унинг уйининг манзарасини диққат билан ўқиб чиқишимизнинг ўзи етарлидир. **“Уйнинг орқасида боғ барпо этди ва отхона ёнида қирга туташтириб, ёзнинг жазирамасидан гўшт ва ёғларни қимиз ва айронларни асраш учун кенг ертўла уйнинг олдида баланд супача от кириб чиқадиган узун устундор айвон қурди.”**¹² Бу тасвир орқали биз Раим полвоннинг ўзига тўқ, бой-бадавлат, анчайин бақувват оиладан эканлигини англашимиз мумкин.

Шунингдек, ҳикояда бир ўринда Байна момо ҳар ойда ювиб уйининг шаппатайига осиб қўядиган эрининг ва ўғлининг полвонлик ятаклари ҳақида берилган тасвир бўлиб, бунга кўра Замон отбоқарнинг ўлиmidан бир кун олдин ятаклар торда увода бўлиб осилиб турар, улар энди кийимдан кўра кўпроқ қабрлар устига илиб қўйиладиган лахтакка ўхшаб қолган. Ёзувчи бу ўхшатиш, қабрлар ҳақида сўз юритиш орқали вазиятни Замон отбоқарнинг ўлими жараёнига тайёрлайди.

Асарда қаҳрамонларининг ёши, уларнинг ҳаёт зарбаларидан қанчалик изтиробга тушган ҳолатлари алоҳида тасвирланмайди. Ёзувчи буларни тасвирлашда портретдан фойдаланади. Масалан, Раим полвоннинг ўғлини отиб ташлаган пайтда ёзувчи уни “энди сабза урган мўйлови титраб кетди”, деб тасвирлайди. Биргина шу изоҳ орқали боланинг ҳали ёш, забардаст эканлигини билиш мумкин. Ёки Замон отбоқарнинг ўлиmidан сўнг Байна момони сўроқ қилиш учун терговчилар келган пайтдаги момонинг тасвирини олайлик. **“Улоқлар ичида улоқдан ҳам кичик жуссали, юзига йилларнинг бешафқат муҳри босилган ҳамда ёлғизликка маҳкум этилган ҳар бир сониянинг мусибату андуҳи асорати порлаб**

¹² Эшонкул Н. Ўша асар. 251-252 -бетлар

турган кичкина жимитдай, сочлари оппок бўлиб қолган кампир”¹³, - бу тасвир орқали мусибатли йиллар Байна момога қай даражада таъсир этгани, кўнглидаги нафрат олови, дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азоби уни нечоғлик азобга қўйганини, шу аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлган андухнинг нақадар кучли ва бешафқат бўлганлигини англашимиз мумкин.

Ҳикоядаги эътиборли ҳолатлардан яна бири шуки, унда қаҳрамонларнинг бир-бири билан мулоқоти, яъни диалоги деярли келтирилмайди. Ёзувчи қаҳрамонлар руҳиятини, унинг ички оламини ҳикоя қилиш усули билан ёритади. Келтирилган баъзи диалоглар орқали эса қаҳрамонларнинг характери, уларнинг табиати очиб берилган. Масалан, қотиллик содир бўлган пайтда Замон отбоқарнинг Байна момога зуғм қилиб гапирган ҳолати келтирилади. Турмуш ўртоғи ва ўғлининг мурдаси устида бир аҳволда ўтирган Байна момони қамчиси билан уриб, **“Энди хор-у зорликда ўлиб кетасан”, -хириллади у “Молингни давлатга топшир деганда эринг қўлига милтиқ олиб, биз билан сичқон мушук ўйнади. Мана энди унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ”¹⁴**. Бу сўзлар орқали ёзувчи Замон отбоқарнинг характери, унинг нақадар баджаҳл ва бешафқатлиги, аллақачон шўролар тузумининг ҳақиқий қулига айланиб қолганлигини кенгроқ ёритиб берган. Ёки Байна момонинг тегирмончи Олломурад билан бўлган диалогида ҳам момонинг изтироби акс этади. Байна момонинг буғдой кўтариб юришидан ори келиб унга сиз бундай овора бўлиб юрманг, бирон эркакдан бериб юборсангиз, тортиб, ўзим уйингизга олиб бориб ташлайман, - деган гапига “Бу қишлоқда эркак йўқ”, дея жавоб беради. Шу пайтда ёзувчи момони **“Гапираётганда овози титраб кетди”**, деб тасвирлайди. Айнан шу жумла Байна момонинг кўнглидаги алам, нафрат, изтироб йиллар ўтса-да сусаймагани, бу дард унга ҳамон азоб бераётгани, юрагидаги оғир яра

¹³ Эшонкул Н. Ўша асар. 259 -бет

¹⁴ Эшонкул Н. Ўша асар. 253 -бет

вақтлар ўтса ҳам битмасдан тобора газак олиб борганини, бу эса момо руҳиятига кучли таъсир ўтказганини ифодалайди.

БАЙНА МОМО ВА НАЙМАН ОНА ОБРАЗИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, танқидчи У. Норматов ҳикоядаги Байна момо образини Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” (баъзи манбаларда “Асрни қаритган кун” деб номланган. **1981 йилда эса Москванинг “Молодая гвардия” нашриётида “Бўронли бекат” номи билан чоп этилган¹⁵**) романидаги Она байит қабристонини ҳақидаги ривоятнинг бош қаҳрамони, жунгжанглар билан бўлган жангда йўқолган ўғлини топиш учун душман ҳудудига кўркмасдан, мардларча узок сафарга отланган Найман онага қиёслайди.

Дарҳақиқат, иккала асарни ўқиб қиёсий таҳлил қилганимизда бу икки аёлнинг сабр-бардоши, матонати, ҳаёт йўли, кўнгил изтироблари бир бирига ўхшаш эканлигига амин бўлишимиз мумкин. Фақат биргина фарқи Найман онанинг кўнглида халқига нисбатан нафрат олови ёқилмаган. У ўғлининг ўлимига кўниккандай кўринсада, аммо юрагидаги шубҳа унинг вужудини кемириб борарди. Чунки у фарзандининг ярадор ҳолда йўқолганини билар, лекин унинг ростдан ўлганми, ёки шафқатсиз жунгжанглар қўлига асир бўлиб тушганми шуни аниқ билолмаслиги уни қийин аҳволга солиб қўйган эди. Байна момо ва Найман онанинг аҳволини қиёслаб таҳлил қилганимизда ёлғиз ўғлининг (ҳар иккала асарда) тирик ёки ўлик эканлигини билолмай, бутун умри кутиш билан аросатда ўтаётган муштипар она ҳамда ўғлининг жон берганига гувоҳ бўлган, кўз олдида ўлим сарҳадига йўл олган фарзандини кузатган бахтиқаро она тимсолини кўришимиз мумкин.

¹⁵ Д. Абдуллаева. Туркий халқлар адабиёти. Тошкент: Турон-Иқбол, 2014, 84-бет

Ҳикояда ёзувчи Байна момонинг изтиробларини ифодалаш учун портретдан фойдаланган бўлса, “Асрга татигулик кун” романи муаллифи эса бу ўринда Найман онанинг ҳаёлан ўртаниб ўғлига хитоб қилган бўзловини келтиради. **“Бўталоғим, сени хотирангдан жудо этаётганларида, бошингга кўринмас териқалпоқ ўрнатиб эс-хушингдан ажратаётганларида, ёнғоқ чақадиган қисқичдек бошингга кийдирилган туятери аста-секин қуриб-қовжираб бош чаноғингни жингиртоб қилиб сиқаётганида, даҳшатли кўркувдан кўзларинг косасидан ирғиб чиққанида, Сариўзак даштининг дудсиз оташи остида ўлим талвасаси билан олишиб, лабингни хўллашга ҳам ер-у кўкдан бир томчи сув тополмай ташналик азобида қоврилаётганингда, ҳатто борлиққа ҳаёт бахш этувчи хуршиди олам сенга сўқир, бало қазо бўлиб, дунёдаги жамики юлдузлар қаро зулмат бўлиб кўрингандир?**

Тулпорим, кийноқлардан майиб-мажруҳ бўлган ақл-идрокиннга мангу тун чойшаби ёпилаётганда, хотиранг ришталари зўрлик билан юлиб-ситиб олиниб, ўтган умринг билан сени боғлаб турувчи ҳалқалардан, жон талвасасида ўзингни ҳарён уриб она нигоҳини, ёз кунлари қирғоғида сен ўйнаб юрган тоғ жилғасининг шовуллашини унутаётганингда, шуурингни парчалаб, хотирангдан ўз номингни, отангинг номини ўчириб ташлаётганларида, атрофингдаги сен билан униб-ўсган одамларнинг чехралари сўнаётганида ва сенга уялиб-ийманиб табассум қилаётган маҳбубанинг жамоли қоронғилашаётганида, хотирасизлик жарига қулар экансан, ўз вужудида ҳомила пайдо этишга журъат этиб ва шу мудҳиш кун учун сени ёруғ дунёга таваллуд топтирган онаизорингга лаънатлар ёғдиргандирсан?...”¹⁶ бу орқали ёзувчи Найман она изтиробларини жуда таъсирли рангларда акс эттиришга эришади.

¹⁶ Ч. Айтматов. Асрга татигулик кун.

ХУЛОСА

Шу ўринда яқуний фикр сифатида шуни айтиш мумкинки, бу дунёдаги ҳар бир нарса, ҳар бир воқеа-ҳодиса, инсонларнинг ҳаёт йўли, қувонч-уташвишлари барча-барчаси хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин барибир унутилишга маҳкум. Чунки дунёнинг ўзи ўткинчидир.

Асаримиз қаҳрамони Байна момонинг изтироблари, унинг нафрати, мардонавор ҳаёти ҳам мангуликка даҳлдор бўла олмади. Ҳаттоки, юз йиллардан буён терсоталикларнинг фахри бўлган, ўз даврининг энг замонавий қилиб қурилган, бугунги кунга келиб заволга юз тутган уй ҳам бузилмоқда эди. Байна момо, унинг нафрати ҳам, алами ҳам, қаҳр-у ғазаби ҳам ўзи билан бирга ер қаърига сингиб кетди.

Назар Эшонкул ушбу ҳикоясида тоталитар тузум даврида ҳақсизликка қарши курашган матонатли аёлларимизнинг ёрқин образини маҳорат билан яратиб бера олган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч” 2008, 136 бет.
2. Т. Бобоев. Адабиётшунослик асослари. “Ўзбекистон” нашриёти, Т – 2001.
3. Назаров Б. Жозибали таҳлил. Миллий характер ва бадиий талқин. Сўзбоши.
4. Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Маънавият, Тошкент – 2000
5. Назар Эшонкул. Ялпиз ҳиди. Шарқ НМАК. Тошкент – 2008.
6. Сатторова Г. Миллий характер ва бадиий талқин. Тошкент: 2007.
7. Р. Раҳмат. Адабиётдан чиқиш.
8. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Газета. 2003 йил 14 февраль сони
9. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Газета. 1993 йил 8 январь сони
10. Ч. Айтматов. Асрга татиғулик кун.
11. XX аср ўзбек ҳикоячилиги антологияси Каримов Б, Абдиев Ҳ. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 624 бет.
12. Д. Абдуллаева. Туркий халқлар адабиёти. Тошкент: Турон-Иқбол, 2014,

ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

13. www.google.uz
14. www.ziynet.uz
15. www.literatura.uz

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....
2. Назар Эшонкулнинг ҳаёти ҳақида қисқача маълумот.....
3. Ёзувчи ижодининг ўзига хос жиҳатлари.....
4. Ҳикоядаги қасоскор аёл тасвири.....
5. Асарда портрет ва пейзажнинг ўрни.....
6. Байна момо ва Найман она образининг қиёсий таҳлили.....
7. Хулоса.....
8. Адабиётлар рўйхати.....